O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 14-iyun • N 25 (3659)


## БАРАКА НИШОНАСИ

Ғаллага ўроқ тушди. Бу сўз азал-азалдан халқимизнинг дилига хушнудлик, шукроналик олиб кирган. Ҳозир ҳам шундай. Зеро, ғалла ўрими – ризқ-насиба йиғимидир.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, «деҳқонки дона сочар» экан, «ўзига ризқ йўлин очар». Дарҳақиқат, бободеҳқоннинг кузги, баҳорги заҳматли меҳнатлари бугун ўз самарасини кўрсатмоқда: далаларда олтинранг манзара! Мағзи тўлиқ бошоқлар нозиккина бош эгиб, гўё бободеҳқоннинг тўккан пешона тери ҳақига таъзим қилаётгандек!



Ҳа, деҳқонларимизнинг фидойилиги, омилкорлиги, меҳнатсеварлиги ҳарқанча таърифу таҳсинга муносиб. Шу ўринда келажакка умид ва ишонч ҳисси билан бокишдек эзгу хислатини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Кейинги икки йилда изма-из қурғоқчилик ҳукм суриши халқимиз кайфиятига таъсир ўтказмай қолмади, албатта. Ахир, катта умид билан экилган буғдойдан меҳнатга яраша ҳосил ололмаслик – деҳқон учун оғир жафо эдида. Кўплаб лалмикор ерларда сарф этилган уруғлик ҳам зое кетгани-чи...

Бу йил эса табиат ўз тантилигини кўрсатди. Деҳқон даласи кут-баракага бой бўлди. Элнинг ризқу насибаси мўл бўлди.

Айни кунларда мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Бу жараён яна одатдагидек, саховатли Сурхон заминидан бошланди. Қизириқ ва Жарқўрғон тумани ғаллакорларининг 22 минг тоннадан ғалла тайёрлаб, ҳар қайси туман ўз шартномавий режаларини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажаргани ва яна режага қўшимча равишда минглаб тонна ғалла тайёрлашга азму қарор қилгани бу йилги ҳосил карвонининг салоҳияти ғоят катта эканлигидан далолатдир.

Ҳосил — қилинган меҳнат шодиёнаси. У туфайли инсоннинг кўнгли ёришади, юзи кулгуга, тили қўшиққа мойил бўлади. Қадим оҳангларда бир насим янграр:

**Хирмон тўлиб тўкилди дон,**
**Тандир тўлиб ёпилди нон...**

Ҳосил — барака нишонаси. Олтин далаларда жавлон ураётган — эл-юрт ризқини йиғиб олаётган меҳнат аҳлининг ҳаракати улуғ, муддаоси қутлуғдир. Биз ҳам бободеҳқонларимизга "Хирмонингизга барака берсин", деймиз.

**Сафар ОЛЛОЁР**





**"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида барпо этилаётган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи қурилиши якунига етмоқда.**

Абдуғани ЖУМА олган суратлар.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг драматургия кенгашида Абдулла Матёқубов (Ёқуб Абдулла)нинг «Клеопатра» асари қўлёзмаси муҳокама қилинди. Анъанага кўра, уни муаллифнинг ўзи ўқиб берди. Сўнгра драматурглар Эркин Самандар, Жўра Маҳмуд, Ҳайитмат Расул, шоир Ҳусниддин Шарипов, ёзувчи ва мунаққид Раҳимжон Отаев, Санъат институти талабалари мазкур асар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Муаллифнинг тарихий фактларни чуқур ўргангани, лекин саҳна асарининг ички қонуниятларини яхши эгалламагани, хусусан, асарда кучли драматизм, конфликт ва коллизиялар етишмаслигини таъкидладилар. Шу маънода муаллифга тегишли маслаҳатлар берилди.

Муҳокама сўнггида муаллиф йиғилганларга қимматли фикр-мулоҳазалари учун миннатдорлик билдириб, асарни маромига етказишга қаратилган ижодий ишини давом эттиражагини билдирди.

Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши раиси Эркин Самандар бошқарди.

* * *

11 июн куни Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним, шеърият» тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлди. Уни уюшма раисининг ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид очди. Шоирлар Кўчқор Норқобил ва Хосият Рустамовалар шеърият анжуманида ўзларининг ижодий ишлари, режалари хусусида сўзлаб, шеърларидан намуналар ўқидилар.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, таниқли шоирлар Икром Отамурод, Эшқобил Шукур, адабиётшунос олим Адҳамбек Олимбековлар сўзга чиқишиб, иккала ижодкорнинг муштарак ижодий фаолияти хусусидаги ўзларининг самимий фикрларини билдирдилар.

Кеча қизғин мунозараларга бой бўлди. Ёш шоирлар ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоблар олдилар.

**Нилуфар ЖАББОРОВА**

## ЁШ РАҚҚОСАЛАР ТАНЛОВИ

Бухоро шаҳрида ўтказилган Мукаррам Турғунбоева номидаги республика ёш раққосалар танлови ўзига хос гўзаллик ва нафосат байрамига айланди.

Танлов давомида устозлар ижодий меросини давом эттирувчи, шу билан бирга, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос рақс йўналишлари ифодасини топган янги асарлар ҳам ижро этилди. Раққосалар маҳоратларини Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Юлдуз Исматова раислигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Танлов натижасига кўра «Баҳор» ансамбли раққосаси Иродахон Исмоилова устоз санъаткор М.Турғунбоева саҳналаштирган «Нозанин» ва Ўзбекистон халқ артисти М.Эргашева саҳналаштирган «Тавоис» рақслари ижроси учун бош соврин – Гран-Прига сазовор бўлди. Хоразм вилоятидан Олеся Липатова маҳорат билан ижро этган «Гусванд» ҳамда «Она орзуси» рақслари учун биринчи ўрин ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Иқтидорли раққосалар Азиза Жўраева (Қашқадарё) ва Наргиза Атоева (Бухоро) иккинчи ўрин ва иккинчи даражали диплом, Даметкен Хўжабоева (Қорақалпоғистон) ва Назокат Абдумўминова (Сирдарё) учинчи ўрин ва учинчи даражали дипломни қўлга киритдилар.



Иқтидорли раққосалардан беш киши танловнинг махсус дипломлари билан тақдирланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими танлов совриндорлари ҳамда «Ўзбекрақс» бадиий жамоалари иштирокида гала-концерт билан ниҳояланди.

**Бахтиёр МАНСУРОВ**

Суратда: **Гран-При соҳибаси Иродахон ИСМОИЛОВА.**

## ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида олий ўқув юртлари талабаларининг санъат танқидчилиги муаммоларига бағишланган ўнинчи анжумани бўлди. Анжуманда турли ўқув юртларидан келган 27 талаба қатнашди. Талабалар ўз маърузаларида асосий эътиборни мусиқа, рақс, кино, театр, радио ва телевидение каби санъат турларидаги долзарб масалаларга қаратдилар.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган ижодий танловда Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Елена Тронова биринчи ўринни эгаллади. Мазкур консерватория талабаси Моҳина Раҳимова иккинчи, Термиз университетидан Матлуба Расулова учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Г.Айимбетова (Нукус), Н.Аҳмедова (Самарқанд), З.Ёрматова (Қўқон) ва Ф.Эргашева (Самарқанд) каби иқтидорли талабалар рағбатлантирувчи совринлар билан тақдирландилар.

**Ойдин РАҲИМОВА**

## Бу сонда:


ТОМОШАБИН КИНОТЕАТРГА ҚАЙТАДИ...МИ? → 2

БОЗОРДАГИ БАҲО

ТАРЖИМАМИ, ТАЖРИБА? → 3



Тикиламан соғинч-ла сенга
ёниб сочларингни силайман
сен қайдасан гулим → 4


## Умарали НОРМАТОВ: ТАЛҚИН ХИЛМА-ХИЛЛИГИ – ТАНҚИД БОЙЛИГИ

**–Яқин-яқинларда адабий танқидчиликда бадиият, маҳорат, поэтика долзарб масалалардан саналарди. Эндиликда талқин муаммоси — германевтикага эътибор кучайди, бу мавзуда номзодлик, докторлик диссертациялари ёзилаётир, мақолалар эълон қилинаётир. Буни Сиз қандай изоҳлайсиз?**



–Миллий танқидчилигимиз тараққиёти, жамиятдаги маънавий, адабий ҳаётдаги, бадиий тафаккурдаги ўзгариш, янгиланиш жараёни бугунги кунда талқин муаммосини кун тартибига қўйди. XX аср охирига келиб яккаҳоким мафкуранинг емирилиши, истиқлол даврида фикрлар хилма-хиллиги учун йўл очилгани бизда ҳам тараққий этган мамлакатлар адабиётшунослигида урф бўлган талқин илми, назариясининг қарор топишига замин ҳозирлади. Герменевтика аслида фандаги, хусусан, адабий танқид, адабиётшуносликдаги демократизмнинг кўринишидир; адабий ҳодиса, бадиий асар ҳақидаги бир-биридан кескин фарқ қилувчи қараш, фикрларнинг, тахмин ва талқинларнинг хилма-хиллигидир.

**–Домла, илгарилари ҳам адабиётшуносликда жиддий адабий мунозаралар, «бир асар ҳақида икки хил фикр»лар бўлар эди-ку?**

–Тўғри, жиддий мунозаралар бўлган, бироқ улар қай тарзда кечган? Энг ёмони, ҳар қандай баҳс-мунозараларда охир-оқибат ҳукмрон мафкурага мос фикр-қарашлар «ғалаба» қилиб, унга зид келадиганлари «инқироз»га учраган, аниқроғи, шунга дучор этилган.

Ўтган аср танқидий жараёни тарихидаги бир ҳолатни эслайлик: 20-йилларнинг биринчи ярмида Абдулла Қодирий билан Ғози Юнус ўртасида матбуотда хийла кескин давомли мунозара бўлиб ўтган. Бу мунозарада кескин баҳс, кўнгил изҳори — баъзан қизишиб кетиб, одоб доирасидан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам юз берганини кузатиш мумкин. Газета таҳририяти ҳар икки томонга тенг имконият яратиб берган, охир-оқибат Қодирийни ҳимоя қилиб чиққан.

20-йиллар охирига келиб манзара бутунлай ўзгаради. 1929 йили «Шарқ ҳақиқати» газетасининг бир неча сонларида мунаққид Сотти Ҳусайнинг «Ўткан кунлар» романи тўғрисидаги танқидий руҳдаги мақоласи, шунингдек, Абдулла Қодирийнинг бунга жавобан тўққиз бандлик изоҳдан иборат жавоб хати босилгани жамоатчиликка маълум. Хайрихоҳлик, юксак одоб, чуқур билимдонлик билан ёзилган бу «изоҳлар» адиб ижодий принциплари баёни, қолаверса, янги ўзбек адабиётида реализмнинг ўзига хос манифестидир. «Изоҳлар» танқидчини ғазабга келтиради ва у адиб қарашларини тамоман бузиб талқин этган дағдағали мақола билан чиқади. Бу чиқиш, негадир, қодирийшунослар эътиборидан четроқда қолиб келяпти. Сотти Ҳусайн ўша мақолада бадиият масалалари бир ёқда қолиб, ёзувчининг дунёқараши, синфий маслаги, «майда буржуазия» ёзувчиси эканини «рад этиб бўлмайдиган далиллар», яъни «марксизм-ленинизм классиклари"дан олинган сон-саноқсиз кўчирмалар орқали ўзича «қойил қилиб» исботлайди. Йигирма саҳифадан иборат бу мақола мунаққиднинг «Ўткан кунлар» тўғрисидаги олдинги ишидан фарқли ўлароқ, мафкуравий-сиёсий демагогиянинг, мустабид тузум номидан ўқилган жиноий айбноманинг ўзгинасидир. «Ўткан кунлар»дек шоҳ санъат асари, унинг муаллифи ҳақида бунақа ҳукм-айбномага қарши на ёзувчининг ўзи, на бошқа бирор киши гап айта олармиди ўша замонда?! Шу тариқа «Ўткан кунлар» ва унинг муаллифи устидан ҳукм ўқилди, бундай айбнома 37-йилга қадар неча бор такрорланди, 38-йили адиб қатл этилганидан кейин ҳам, 1956 йилга қадар ўз кучида қолди. Қодирийнинг замондошлари – Чўлпон, Фитрат ижоди, қисмати борасида ҳам айни шу ҳол юз берди.

Муайян кам-кўстларига қарамай, 70-йиллари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида узоқ давом этган Қодирий ижоди теварагидаги мунозара адиб ҳақидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаришда дадил қадам бўлди. Муҳими, масалага ёндашишда муайян хилма-хиллик уч бера бошлади.

80-йиллар бошларида Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри тўғрисида мунаққид О.Тоғаев қарашлари билан баҳс руҳида битилган менинг «Тушуниш, ҳис этиш санъати» мақолам баҳонасида шеърият, умуман, бадиий асар талқини хусусида мунозара бўлиб ўтди. Ўша баҳснинг акс-садоси янги аср бошларида яратилган тадқиқотларда ҳам қулоққа чалинмоқда.

Ниҳоят, 80-йиллар охирларида матбуотда пайдо бўлган О.Шарафиддиновнинг «Бир тилда гаплашайлик...» сарлавҳали мақоласидаги ғоявий жиҳатдан қоралланган қатор шеърларнинг ҳимояси, ўзгача бадиий-эстетик талқини миллий танқидчилигимизда жиддий ҳодиса бўлди...

Бироқ булар талқиндаги чинакам хилма-хилликнинг дастлабки қадамлари эди, холос. Ўша кезлари кескин танқид остига олинган асарларнинг аксарияти бадиий ночор, «танқиддан тубан», ҳимоя қилишга арзимайдиган нарсалар бўларди. Жиддийроқ асарлар теварагидаги «икки хил фикр»лар кўпинча атайин уюштирилар, мунаққидларнинг бири «қораловчи», иккинчиси эса «оқловчи» ролини ўтар эди.

**–Нега шу анъана бугунга келиб тўхтаб қолди? Кейинги ўн йил ичида «Ўзбекнома» ҳақидаги «икки хил фикр»ни мустасно этганда янгидан чиқаётган асарлар хусусида бошқа бирорта ўшандай жиддий чиқишни кўрмадик...**

Давоми учинчи бетда

## КУРАШ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ

Куни кеча Республика Маънавият ва маърифат марказида «Ўзбек кураши – азалий маънавий қадриятимиз» мавзуида илмий-амалий семинар бўлди. Мазкур тадбир Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Халқаро кураш академияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Семинарда Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Болиев ва марказ раҳбари ўринбосари С.Олимов, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, Халқаро кураш академияси президенти Н.Юсупов, Халқаро Кураш Ассоциацияси Бош котиби У.Ёқубов, Халқаро кураш институти ректори Д.Қўлдошевалар сўзга чиқиб, ўзбек миллий курашининг тарихи, ўзига хос жиҳатлари, бугунги мавқеи, халқаро майдондаги муваффақиятлари ҳақида фикр юритишди.

Семинарда, шунингдек, "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда Халқаро кураш академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

**Сарвар ЗИЁЕВ**

## МУАЛЛИМГА СОВҒА КЕРАКМИ?

*Муносабат*

–Тўққизинчи синф битирувчиларим менга юз минг сўмлик зирак олиб беришди...

Автобусда бехосдан қулоғимга чалиниб қолган бу гап диққатимни тортди. Қарасам, бир четда икки аёл суҳбатлашиб турибди. Улар ўқитувчи эканлигини дарҳол англадим.

Бу ҳодиса мени қаттиқ ўйга толдирди. Наҳотки, келажак авлод тақдири ишониб топширилган, уларга билим бераётган устознинг даражаси шунчаликка тушиб қолган бўлса? Наҳотки, устозлар ўқувчиларнинг шундай «сахийликлар»ига зор бўлса?

Бу гапларни бежиз куюниб гапираётганим йўқ. Ҳозир мактабларда бундай "бачкана одат"лар чуқур илдиз отмоқда. Мактаб директорига, ўқитувчисига ҳаммани лол қолдириб қўядиган совға беришмаса, синфнинг боши эгилиб қолармиш. Битирув оқшомининг дабдабасидан бошқа синфлар, бутун мактаб ҳайрат ва ҳасаддан ёқа ушламаса ҳисоб эмас...

Албатта, мактаб билан хайрлашувни нишонлашнинг ёмон жойи йўқ. Ҳамма ҳам битирув онлари юракларда муҳрланиб қолишини истайди. Лекин бунинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, бу ўша – биз юқорида тилга олган кераксиз, ноўрин одатларнинг урф бўлишига олиб келади ва шундай бўлмоқда ҳам.

Битирувчилар ташкил этган дабдабаларда ўқитувчиларни совға-саломлар билан сийлаш кечанинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Бусиз оқшом оқшом бўлмайди. Мабодо, совға бироз одмироқ бўлиб қолса, уни олган ўқитувчи шогирдларидан хафа бўлади.

Аслини олганда, устозларимизни ҳар қанча эъзозласак оз. Уларга совға-саломлар беришнинг эса ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Лекин ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлиши керак. Бошқа синфларни «синдириш»—синфнинг беҳад сахийлигини кўрсатиш учун бир-икки «бойвачча» ўқувчилар ташаббуси билан ташкил этилаётган бундай "тадбирлар" айрим ўқувчилар оиласига оғирлик қилиши ҳаммамизга аёнку. Ахир беш қўл баробар эмас. Отасиз бола тарбиялаётган оилалар бор. Топган пули аранг дори-дармонга етиб-етмай тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас. Синфдошлари бундай оилалардаги тенгқурларининг аҳволини ҳисобга олса, қўлларидан келса, бир саховатини кўрсатса бўларди-ку.

Аслида битирув оқшомида ўқитувчига берилган совғани пора десак ҳам бўлаверади. Тўғри, юз мингнинг у ёғида турадиган нарсани ўқувчилар ўз ихтиёрлари билан топширишади. Поранинг ҳам ихтиёрий равишда совға сифатида берилишини унутмайлик. Ҳатто, совғанинг қандай бўлиши кераклигини олдиндан билдириб қўядиган устозлар ҳам борки, бу иш таъмагирликнинг, порахўрликнинг ўзгинасидир.

Ажабланарлиси шундаки, бундай дабдабали битирув оқшомлари ҳамда «вечер»ларни ўтказиш нафақат ўн биринчи, балки тўққизинчи, ҳатто тўртинчи синфни битираётган ўқувчилар орасида ҳам анъанага айланди. Сир эмас, ҳозир кўплаб мактабларда китоб етишмаслиги каби муаммолар бор. Лекин мактабда ҳеч ким бу муаммо билан қизиқмайди. Ўзи шундай бўлиши керакдек, ҳамма бепарво. Яна бир масала. Нега ота-оналарнинг ўзлари ортиқча йиғди-йиғдилардан нолиб туриб, яна кераксиз тадбирларни қўллаб-қувватлашади?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бундай анъана боғчага ҳам кўчиб улгурибди. Боғча битирувчиларининг тарбиячи опаларига тилло занжир халқа олиб беришга одатланганларига нима дейсиз? Уларнинг мурғак хаёлларига бу ғояни ким сингдиряпти? Балки тарбиячиларнинг ўзларидир?

Сўнгги қўнғироқ, битирув оқшомлари каби тадбирлардан ташқари ҳам мактаб ҳаёти "йиғди-йиғди"-ларга тўла. Битириш имтиҳонларининг ҳар бирига алоҳида дастурхон ёзиш анъанаси азалдан қолган мерос бўлиб, ҳозир ҳам йўқолган эмас, аксинча, кучайиб бормоқда.

Булардан ташқари ҳар йили синф, мактаб таъмири учун пул йиғишлар ҳали ҳам барҳам топган эмас. Шуниси қизиқки, мактаб ҳам, синфлар ҳам ҳар йили таъмирланади. Мактаб таъмири бир йилга етмас экан, демак таъмир учун йиғилган пул бошқа томонга кетаяпти. Аслида эса мактаб таъмири учун ота-оналар пул тўплаши керак, деган гап ҳеч қаерда йўқ. Таъмир учун пулни фақат ҳомий ташкилотлар ўтказиши мумкин. Олғирликни қарангки, айрим мактаблар раҳбарлари ота-оналардан ҳам, ҳомийлардан ҳам пул ундиришга ҳаракат қилишади...

Яна бир қизиқ ҳолат. Ўқишлар тугаши арафасида мактабга негадир бирдан кетма-кет комиссиялар кела бошлайди. Очиғини айтиш керак, мактаб раҳбарияти уларни қуруқ қайтармайди. Хўш, мактабларни бундай комиссияларнинг ортиқча тафтишларидан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Умуман, келаётган бу комиссияларнинг текширув ўтказишга ҳақлари борми? Балки мактабларга ҳам тадбиркорларга берилганидек, текширувларни рўйхатга олиб борувчи дафтар керакдир? Эҳтимол, турли йўллар билан ўқувчилардан йиғиб олинадиган пуллар комиссияларни «тинчитиш» учун ишлатилаётгандир...

Хуллас, бу гаплар кўпчиликни ўйлантираётган, қийнаётган масалалар деб ўйлаймиз. Аслида бу мавзуга қўл уришимизга ҳам айрим ота-оналарнинг шикояти асос бўлди. Дарҳақиқат, мактабларимизда дабдабали тадбирлар камаймаяпти. Улар иллатга айланиб улгурмасдан жамоатчилик бунинг олдини олиш тўғрисида ўйлаши зарур. Мактабларнинг раҳбарлари эса ўзлари ҳам бундан манфаатдор бўлгани учун бу масалага мутлақо эътибор беришмаяпти. Балки туман, вилоят, халқ таълими мутасаддилари, Халқ таълими вазирлиги муаммонинг ечимини топар.

**Беҳзод МАМАДИЕВ**


## ЭЪЛОН!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубият маркази, Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси, «Олтин мерос», «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари, Республика «Байналмилал» маданият маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ва Китоб туман ҳокимлиги**

«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ»га бағишлаб
**20-22 июн кунлари Китоб туманида**

**ФОЛКЛОР-ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ**
**ўтказади.**

Ғолибларнинг якунловчи концерти 22 июн куни соат 17.00да Китоб тумани маданият ва истироҳат боғининг ёзги эстрада саҳнасида бўлади.

Азиз санъатсевар дўстлар!

Сизларни фолклор санъати байрамига таклиф этамиз!

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

## БИЛДИРИШ



2002 йил 18 июн сешанба куни соат 11.00да Миллий матбуот марказида шакл ва мазмун жиҳатдан янгиланган «Гулистон» журналининг тақдимот маросими бўлади. Маънавият ва матбуот жонкуярлари таклиф этилади.

**(Манзил: Навоий кўчаси, 16-уй, Миллий Матбуот маркази.)**



Турсун АЛИ

# ДУНЁ КЎЗЛАРИМДА ГУЛЛАЙ БОШЛАДИ

## ТЕГИРМОН

Болалигим ўсган қишлоқнинг бир четида,
шундоқ катта ариқ устида тегирмон бўлар эди.
Ўшал пастаккина тегирмон ичидаги
баҳайбат тошнинг
гир-гир айланиши,
Буғдой янчиб одамларга ун улашиши ҳайратта
соларди болалигимни.
Бу кун ўша боланинг кичик юрагида
улкан тегирмон тоши айланар чир-чир.
Буғдойдай янчилган юрагидан сўз чиқар ундай
эланиб-эланиб.
Энди ҳайрат дунёсидаги болакай одамларга
сўз улашар ўшал тегирмондай бедор пичирлаб...

## АРҒИМЧОҚ

Болалигим кечган ҳовлида улкан ўрик
дарахтлари
ўсарди қуёшга очиб қулочларин кенг.
Болалигим учар эди
ўшал ўрик шохига арғимчоқ солиб.
Орзулари ҳам учарди арғимчоқдай болалигимнинг.
Ўшанда! Шоир бўламан машҳур,
пойтахтда яшайман, — дер эди қичқира-
қичқира болалигим.
Ўша бола бу кун орзулари оғушида яшаётир
шаҳарда.

Энди унинг юрагида
ўшал олис қишлоқ.
Қишлоқдан-да олис болалик.
У арғимчоқ учаётир қанотлари кесилган қушдай
талпина-талпина...

## ЎРИК ДАРАХТИ

*Асадулла Мадазимбоевни хотирлаб*

Шаҳар ичра бир туп ўрик ўсарди солланиб.
Умримнинг оппоқ кунлари, намхуш тунлари
ўрик остида кечган. Дарахтнинг олтиндай
мевалари, о, қандай мазали, қандай тотли
оғзимда қандай эриган.
Ёзнинг ўтли кунларида мени қуёш тиғларидан
асраган. Руҳим осмонларига сепган
кумуш ёғдулар. Қўллари-ла эпкинлар
бахш этган бағримга. Қушлар ила
чўнг елкаларида қувнаган ёшлигим. Қай бир
қушчасин севиб ёшлигим ўртанган жим.
О, илк бор ўспирин умрим ишқ хиёбонин
кезган маъюс, сармаст.
...Йилларнинг тўзғин шамоли юлиб кетган
бу кун ўшал ўрик дарахтин. У ўсаётир
кўзларим кенгликларида дуркун. Ўсаётир
юрагим боғларида шовуллаб.

## ҲАЙРАТ КЎЗЛАРИ

*Мусаввир дўстим Ортиқали Қозоқовга*

Суратларга тикиламан. Уйғонар туйғуларим.
Ҳайратимнинг кўзларида ранглар мени чорлар,
етаклар ўтмишнинг қонли кўчаларига.
Юлдузлари отилган қоронғу кечаларига.
Эски ҳовлига кираман маъюс, ҳасратим
ёмғирларида ивиб.
Сувратларга тикиламан. Ранглар мени етаклар,
булутлар онаси тоғлар сари, юлдузлар
шаҳрига бораман. Бош қўяман адашган
ой кўксига. Азон товушидан уйғониб кетаман.
Қайғу юракка чўкади оғир. Фалокат қичқириғи
бостириб кирар қулоққа. Титраб, қақшар
қонли, зардобли бағир. Теваракка қарайман ғамгин,
маъюс. Воҳ, кўзимга оқиб кирар ҳасрат.
Юракда туғилар муҳаббат. Севиб қоламан
чанқовуз чалаётган қизни.
Мени эзгулик сари
олиб кетар йўл. Соҳибқирон руҳи
мадад бўлар менга.
Олдимда кўлдай жимирлар оппоқ
ранглар.

* * *

Момоқаймоқ. Кўклам элчиси,
уйғонасан энтикиб шодон.
Майсаларнинг кўрки, сараси
Гуллагайсан сап-сариқ, хандон.

Туйғуларим кўзғатиб бетин
ҳайратимга бахш этасан тил.
Руҳ олами ёришиб секин
най чалади ҳасратли кўнгил.

* * *

Дунё кўзларимда гуллай бошлади,
юлдузлар бошимда куйлайди қўшиқ.
Кундан-кун кўкдаги ой тўлишади,
менинг юрагимда туғилгандир ишқ.

Ёмғирли кунларим чекинди, мана,
бағримда кезинар зангор туйғулар.
Теграмда эсади эпкинлар, ана
ибо оғушидан чорлар оҳулар.

Мен сени чорлайман энтикиб, ёниб,
ҳеч ким ахир мендек севолмас,
қумрим.
Келақол, бағримга олай қувониб,
энди узун бўлар андиёр умрим.

* * *

Олмалар гуллаган боғларда
кўнглимда ғунчалар очилмас.
Капалак ўйнаган чоғларда
кўзимдан севинчлар сочилмас.

Қушчалар сайрашар кўнгли чоғ,
кукулаб қолди-я мусича.
Руҳимнинг дунёсин ушбу чоқ
шуълалар ёритмас зиғирча.

Эгнига ярашган оқ кўйлак
баҳорим, сен йўқсан, йўқсан-ку.
Юкиниб сўрайман, кел, малак,
сенсан-ку баҳорим, сенсан-ку!

## ХОТИРОТ

*(Иброҳим Раҳим)*

Эрта кўклам. Мозорингизга
тўкмадим кўз ёшлар.
Пойингизга, устоз,
экиб қайтдим анор ниҳолин,
бўлсин деб бу ерлар анорзор...

* * *

*(Аъзам Ўктам)*

Кеча ойдай чарақлаган дўппи,
бир кечада ғойиб бўлди у.
Энди уни ҳеч ким тополмас,
қандайдир бошлардан безиб
қора ер қаърига кириб кетди-ку.

* * *

*(Расулжон)*

Боғинг дарахтлари гулламай ҳали,
жуда барвақт кетдинг оламдан,
дўстим.
Умринг баҳорларин ўлдириб не тонг
қоронғу диёрга кириб кетдинг жим,
оҳ, у ерда кимларни кўрдинг,
эй дўстим?..

* * *

Ташқарида ёмғир...
Кезинар кучук етаклаган аёл.
кучук кўзидан сизилар томчилар,
аёл бепарво...
Менинг ичимга эса
ёғмоқда қип-қизил ёмғир.

## ИНАНГУ[1]

Тунлар ўлиб қоламан мен
ҳали олиб кетмай жасадни
қабристонга бораман ўзим

Қайдасан Чақираман
сен келмай ҳали
сени қучар нигоҳим

Тун қаърида чигиртка
узоқ ғамгин чириллар
мен тинглайман овозимни ютиб

Дилимда сўзлар кўп
айримларин
занжирлаб қўйган тил

Уйимдан узоқдаман
бироқ
яшайман уйимда

Сенга қарайман ой
шундоқ қаршимдасан-ку
сени соғинаман барибир

Деразамга қушчадай
ўзин урар
олис муҳаббатнинг кўз ёшлари

Бағримдан ситилиб кетган турналар
қайтдингизми
энди мудроқ туйғуларим уйғонар бешак

Учиб кетди кўлдан ўрдаклар
қамишзор шитирлар ғамгин
наҳот мен овчи бўлсам

Кекса чол арава тортиб
тун оғушига киради ҳорғин
аравада не бор билмадим буни

Шубҳаланиб бордим унинг олдига
у эса кучукдай мўлтираб
мендан кетишга изн сўради

Кўксимда йиғилиб қолган тошларни
тўкдим шу ерга
оҳ ер эса юмшоқ экан

Чумоли йиғасан терасан
ер қаърига олиб кетасан
синглим сен чумоли эмассан-ку

Тикиламан соғинч-ла сенга
ёниб сочларингни силайман
сен қайдасан гулим

1 Шивирлаб айтиладиган шеърлар. Вьетнам.

---

*Руҳият иқлимлари*

# РУҲ ДАВОСИ – СОҒЛИҚ АСОСИДИР

Одам организмининг жамият, табиат ва олам билан олий даражадаги уйғунлиги унинг саломатлигини белгилайди.Бу уйғунликнинг бузилиши дискамфорт, дисфункция (организм ишининг бузилиши, касаллик)ларга олиб келади. Организмда доимий равишда икки тараф –саногенез (саломатлик механизмлари) ва патогенез (касалликлар механизмлари) жараёни кечади. Унинг саломатлиги ташқи муҳит, жамият ва оламга бўлган мослашувда намоён бўлади.

Неча йиллар мобайнида одамларни даволашга биологик ва жисмоний саломатлик нуқтаи-назаридан қараб келинди, руҳий-маънавий саломатлик тўғрисида эса яқин дамларгача гапириш имкони бўлмади. «Саломатликнинг моҳияти шундаки — дейилади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботида, – у ўз ичига том маънода жисмоний, руҳий ва ижтимоий бахт-саодатни қамраб олади». Ҳолбуки, инсон Табиатнинг, Оллоҳнинг бир бутун ижод маҳсули экан, саломатлик тўғрисидаги тасаввурга яна бир категория – диний саломатлик тушунчасини ҳам киритиш лозим бўлади. Шундай интеграл ёндашув орқали инсон саломатлигига ижобий таъсир қилиш мумкин.

Саногенетик ва патогенетик механизмлар ўзаро узвий алоқада бўлиб, бунда саногенетик омилларнинг устун келиши саломатликни таъминласа, патогенетик омиллар устунлиги касалликларга олиб келади. Ўзини мувофиқ тарзда жисмоний, руҳий-маънавий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантира олган, табиат ва муҳитга яхши мослаша олган кишигина соғломдир.

Айрим кишилар ўз вужудига душмандай муносабатда бўладилар: нима тўғри келса еб кетаверадилар, спиртли ичимлик ва тамаки билан танасини заҳарлайдилар. Аммо дунёда ҳамма нарсанинг ҳам чек-чегараси бор. Саломатликка ҳам бир куни путур етишини ўйлаб кўрмайдилар. Бунинг ҳаммаси ўша кишиларнинг ўз организми фаолиятини, ўзини билмасликдан, яъни тиббий маданияти пастлигидан келиб чиқади. Албатта, ўз организмининг жамики хусусиятларини олимлар ҳам тўлиқ билмайди, бироқ ўз организмининг асосий талаб-эҳтиёжларини ҳар бир киши билиши шарт. Умумий, тиббий маданият, унинг руҳий-маънавий ва наслий ибтидосини саломатликни сақлаш ҳақидаги билимлар аниқлаб беради.

Бахтга қарши, замонавий тиббиётда депсихологизация давом этаяпти. Тиббиётдаги даҳрийлик, шифокорларнинг бемор устида ўт ўчирувчилардек ишлаши, яъни жигар оғриса фақат жигарни даволаши, бош оғриса бутун эътиборни бошни даволашга қаратиши, касалликнинг туб сабаби қаердан келиб чиқаётганини аниқламай туриб ҳаракатга тушиши нотўғри. Шифокор қанчалик тор мутахассисликка эга бўлмасин, бемор қалб ва руҳга эга бир шахс эканлигини ҳеч қачон унитмаслиги лозим.

Одам организмидаги ҳужайралар умр давомида ҳар ўн бир ой ичида яшариб, янгиланиб туришини замонавий тадқиқотлар исботлаб берган. Психологик тадқиқотлардан организм саломатлиги руҳнинг ҳолатига, кишининг ўзига-ўзи руҳий таъсир қила олишига боғлиқлиги ҳам маълум. Таъкидлаш керакки, инсон психологияси доимо ёшлигича қолади, кўнгил ҳеч қачон қаримайди. Ёш ўтиши умрнинг охири эмас, бу – донишмандлик тонгидир.

Одамнинг ўз тани сиҳатлигини сақлаши уч асосий принцип: ўзини англай олиш, тарбиялаш олиш ва ўз билимини қўллай билишга асосланади. Бунга яна уч туйғу: ишонч, умид ва муҳаббат қўшилади. Уларнинг энг асосийси ИШОНЧ – инсон саломатлигининг негизидир.

Беморда Яратганга, шифокорга ва ўзига нисбатан ишонч туйғусини шакллантириши муҳим аҳамиятга эга. Интеграл соғломлаштириш тизими саломатликнинг беш асосий қоида: рационал овқатланиш; тўғри нафас олиш; фаол ҳаракат қилиш ва чиниқиш; руҳий мувозанат ва руҳий такомиллашувни ўз ичига олади.

Тўғри овқатланиш – сиҳат-саломатлик ва узоқ умр кечиришнинг асосий шартларидан биридир. Овқатланишда учта таомилга: оқиллик, изчиллик ва хилма-хилликка риоя этиш керак. Овқатланиш орқали бош миянинг нерв ҳужайраларида ва организмда моддалар алмашинуви тартибга тушади. Озиқ-овқат фақат қон таркибини белгилаб қолмай, балки инсонда дунёқарашнинг шаклланишига ҳам ҳисса қўшади. Ҳозирги вақтда овқатланишга иккита бир хил жараён: озиқлантирувчи ва тозаловчи жараён сифатида қаралмоқда.

Овқатланишни доимо бир вақтда бошлаган, қовурилган таомлардан сақланган, шакар ўрнига асал истеъмол қилган маъқул. Қадимги табиблар асални умрзоқлик таоми, деб ҳисоблаганлар: «Асал ички аъзоларни соғайтиради, ҳароратни туширади, уни узоқ вақт истеъмол қилиб юриш иродани кучайтиради, вазнни енгиллаштиради, ёшликни сақлаб қолади ва умрни узайтиради».

Одам организмида тахминан 200 триллион ҳужайра бор. Уларнинг ҳар бирида 100 мингга яқин генлар бўлиб, улар бутун организм ва ҳужайраларнинг иш фаолиятини, ривожланишини бошқаради. Агар ана шу генлар нормал ишлаб турса, ҳар бир алоҳида ҳужайра ва бутун организм соғлом бўлади, узоқ умр кўради.

Қуръонда ёзилишича, одамнинг умри ва руҳи нафасида бўлар экан. Тўғри нафас олиш нафас олиш аъзоларининг ҳар томонлама ривожланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради. Артериал босимни нормаллаштиради, юрак ва бош мия фаолиятини яхшилайди, организмнинг касалликларга қаршилигини оширади. Нерв системаси мувозанатга тушади, кайфият кўтарилади, одамнинг умумий ҳолати яхшиланади. Шу маънода, нафас олиш машқининг оддий ва самарали бир усулини тавсия қиламиз. Бу усулга кўра, секин, юзакироқ нафас олинади, аввалига 2-3 секунд нафас ушлаб турилади. Нафас олиш мароми минутига 6-8 марта, кейинчалик аста-секинлик билан нафас олиш ва чиқаришнинг вақти чўзиб борилади, нафас олиш эса секинлигича қолади. Бир-икки ой давомида бу машқ одатга айланади.

Йога (жўги)лар системаси бўйича нафас олиш машқлари ҳам кони фойда. Бунда чуқур нафас олиб, қорин ичига тортилади. Ўзимизга қулай тарзда жойлашамиз ва нафас чиқаришда қоринни олдинга чиқарамиз. Нафас олишда 10 – 12 дақиқа нафас ушлаб турилади. Нафас чиқариш нафас олишга қараганда икки баравар секинроқ бўлади. Шу тарзда етти марта машқ қилиб кўринг ва дам олинг. Кун давомида бу машқни бир неча марта такрорлаш мумкин бўлади.

Пастки, аниқроғи қориндан нафас олиш ва чиқариш машқи фақат бурун орқали амалга ошади. Ҳамма машқларда нафас узоқ вақт ушлаб турилиши тавсия қилинади. Ўрта ёки ковурғаларо нафас олиш машқида нафас чиқариш билан қорин тортилади ва қўллар ёрдамида ковурғанинг пастки қисми босилади. Бироз ушлаб турилиб, ковурғаларнинг пастки қисмининг ён томонга қараб кенгайиши ҳисобига аста-секин нафас олинади.

Нафас олишнинг учинчи тури – юқори томон ёки ўмровдан нафас олиш бўлиб, бунда нафас олиш ва чиқариш қовурғалар, елка ва ўмровлар орқали амалга оширилади. Бу машқ давомида елкаларнинг кўтарилишидан ўпканинг юқори қисми ҳам ҳавога қонишига имкон туғилади. Нафас чиқаришда елкалар пастга туширилади ва қорин ҳамда кўкрак қафасининг ўрта қисми ҳаракатсиз ҳолатда бўлади.

Умуман, бу машқларда энг муҳими нафас олиш маромини тўғри ушлаб туриш, шошилмай амалга ошириш. Нафас чиқариш нафас олишдан кўра икки баравар секинлик билан амалга оширилиши лозим.

Буқрот ҳаким: «Кимки ўзининг иш қобилиятини, тани сиҳатлигини, ҳузур-ҳаловатли ҳаётини сақлаб қолишни хоҳласа, бадантарбия машқлари билан мунтазам шуғуллансин, пиёда юриш ҳар кунги турмушидан мустаҳкам ўрин олсин», деган эди. Ибн Сино эса: «Бадантарбия билан доимо меъёрида шуғулланиб юрувчи одамга касаллик яқинлашмайди», деган. Зотан, эрталабки машқлар, юриш ва югуришни киши ҳар қандай ёшда ҳам бажарса бўлади. Ҳар қандай ёшдаги киши ҳар куни 30-45 минут пиёда юрса, метеогелиофизик омиллар (қуёш, совуқ, иссиқ, энергетика, атмосфера босимининг ўзгаришига нисбатан чидамлилиги ошади. Ёз кунларида яхшиси оёқяланг юриш, бир кунда икки маҳал совуқ сувни устидан қуйишга одатланиш керак.

Руҳий мувозанат ва руҳий чидамлилик соғлиқ ва узоқ умр кўришнинг биринчи даражадаги шартидир. Иродани чиниқтириш ва ўзини-ўзи руҳан идора этаолиш, асабий ҳолат-стрессларга қарши туриш орзу-истакка етишишда куч-қувват ато этади, ижобий ҳиссиётлар, жисмоний ва руҳий имкониятларни оширади. Ҳар қандай стрессларни енгиш учун киши аутотренинг машқларини ўзлаштириб олиши керак. Шунда одам мустақил равишда, ўзига-ўзи таъсир қилган ҳолда, нерв системаси ва бутун организми ҳолатига таъсир қила олиши мумкин бўлади.

Бунда учта шартга риоя қилинади: тинчлик, иссиқлик ва қоронғилик. Киши ҳиссий ва жисмоний зўриқишни енгиш, бартараф этиш учун ўзини-ўзи онгли равишда ишонтириши керак. Бунинг усули оддий: олдинига киши овоз чиқариб ўзига маълум бир буйруқни беради, кейин буйруқ фикран, ичида берилади. Шунинг баробарида киши ўзини бутунлай бўш қўйиб, диққат эътиборини, руҳий ва жисмоний кувватини олдига қўйилган вазифани бажаришга қаратиши керак. Онгни ўзи бошқариши туфайли оғриқ тўхтатилади, руҳий ва ҳиссий таранглик олиб ташланади, одам ўз ҳолати, фикри ва сезгиларини бошқаришни ўрганади.

Ўзини-ўзи транс ҳолатигача бошқаришни ҳамма ёшдаги кишиларга тавсия қилиш мумкин. Фақат руҳиятида бузилишлар бўлган беморлар бундан мустасно.

Ўзини-ўзи трансли бошқарув жараёнида артериал босим нормаллашади, стресслар, депрессия ва қўрқув (ваҳима) ҳолати йўқолади, уйқу яхшиланади, оғриқ сезиш ҳисси пасаяди, зарарли одатларга чек қўйилади, болаларда иммунитет ошади ва шунинг оқибатида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни реабилитация қилиш имкони пайдо бўлади.

Соғломлаштириш мақсадида медитациянинг шарқона услубларидан фойдаланишга муваффақиятли уринганлардан бири германиялик Шульц аутоген машқлар услубини 1932 йилиёқ ишлаб чиққан эди. Шульц бу жараённинг икки босқичини кўрсатиб ўтади. Биринчи, қуйи босқичда мижоз танасида оғирлик ва иссиқлик ҳиссини уйғотишга йўналтирилган машқлар ёрдамида релаксация (мушаклар бўшашуви) усулларини ўрганади. Иккинчи, юқори босқич аутоген медитация дейилиб, турли хилдаги транс ҳолатларини ташкил этади. Аутоген машқларини эгаллаш алоҳида машқларнинг бир бутун мажмуини узоқроқ вақт давомида бажариб боришни талаб этади.

Албатта, транс ҳолатига тез кириш бўйича олинган малакани вақти-вақти билан машқлар орқали мустаҳкамланиб туриш лозим. Бу катта кучни талаб қилмайди, чунки онгга ҳеч бўлмаса бир марта сингдирилган бошланғич дастур инсоннинг бутун умри давомида таъсир кўрсатаверади.

Транс ҳолатини, зарурий ишонтириш учун керак бўладиган қисқача сўзлар ва кичикроқ «медитация» нуқталари бўлган бир (худди визит карточкаси каби) варақчани олдингизга қўйиб, амалга оширганингиз маъқул. Бу варақчада қўйилган кичик қора нуқта ўрнига (ҳатто тунда ҳам) хонада ялтираб кўринган нуқтани топиб, уга 40-120 секунд мобайнида кўз узмай қараб турилади (бунда айрим ўзига хос шахсий хусусиятлар ҳисобга олинади). Қуйида шу мақсадга ишлатиладиган карточкаларнинг намуналарини келтирамиз.

Аввало, уйқу вақтини аниқлаб оламиз (масалан: 15 минут ёки 2 соат ва ҳоказо), кейин яқин масофадан туриб медитация нуқтасига қараймиз ва аста-секин 33гача санаймиз. Кейин кўзимизни юмиб, айтилган вақтда уйқуга кетамиз.

Яқин масофадан туриб бир нуқтага қараб, 77гача санаймиз, кейин кўзимизни юмамиз, мушакларни бўшаштириб 7-10 марта ичимизда «Қон босимим нормаллашмоқда», деб шартли сўзларни такрорлаймиз.

Шу тариқа онгингизни ўзингиз бошқара олишни ўрганиб, ўз танангизнинг ҳақиқий соҳибига айланасиз ва барча ҳаётий муаммоларингизни қийналмай ҳал қила оласиз.

Таниқли инглиз врачи В.Коулмен касалликларнинг тўқсон фоизини узоқ давом этадиган муолажалар, дори-дармонларсиз ҳам енгиш мумкин, чунки организмнинг ўзи буларни енга олади, деб ҳисоблайди. Афсуски, ҳозирги одамларнинг аксарияти кўнгилдагидек дам олиш ва ўзини бўш қўйиб ётишни билмайди. Улар ўз ботинига туша олмайди. Касалликнинг симптомларини эмас, унинг сабабларини даволаш керак. Бунинг учун энг самара берувчи дори-дармонларни киши дорихоналардан эмас, ўзидан қидириш мақсадга мувофиқдир.

Диндор кишилар учун хотиржамликнинг энг яхши усули ибодат қилишдир. Профессор В.Силезиннинг маълумотларига кўра, ибодат қилаётган кишида электроэнцефалограммада уйқу ҳолатига яқин бўлган ҳолат – суст фаоллик пайдо бўларкан.

Ҳар бир одам учун ҳаётнинг мазмуни ва моҳияти – маънавий комилликка етишишдир. Бу кишининг ўз онгида некбинлик, яхшилик, фидокорлик туйғусини тарбиялаш, худбинликнинг ҳамма кўринишларидан воз кечиш каби одатларни тарбиялаган ҳолда, оила ва жамият, табиат ва Тангри билан муносабатни тиклашдир. Бунда энг асосий омил – одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва сабр-тоқат, ўзига ва атрофдагиларга хайрихоҳликдир. Доимо ўзингизни тарбиялаб боринг, тиббий маданиятингизни ошириб туринг, ижодий имкониятларингиздан фойдаланинг ва уларни ривожлантиринг, юқори маънавият ва ижодий тафаккурга интилинг. Бунинг соғлиқ учун фойдаси беқиёс эканлигини ҳеч ҳам унутманг.

Инсонни соғломлаштиришда ва саломатлигини мустаҳкамлашда психология ва дин катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тиббиёт, психология ва дин биргаликда ривожланиши керак.

Яна бир масала. Шифокорларимиз беморларга уларнинг моддий имкониятларини ҳисобга олиб ёндошсалар яхши бўлар эди. Қадимда ҳам табиблар хизмат ҳақларини беморнинг моддий аҳволидан келиб чиқиб олганлар. Мол-мулки сероб бўлганлардан бойларга нисбатан кўпроқ пул олганлар, камбағаллардан эса камроқ, баъзан уларнинг чин дилдан билдирган ташаккурлари ҳам ҳақ ўрнига ўтган. Ҳозир ҳам шунга амал қилсалар нур устига нур бўлар эди.

**Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ**

---

Дунё – кенг...

## ЎЗИ ТАРИҚЧА, БИРОҚ...

**Ҳаёт тасодифларга тўла. Бироқ ҳеч ким кўчада кетаётганида бошига метеорит тушади, деб ўйламаса керак. Сирсиноатларга тўла бу оламда, шубҳасиз, шундай ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин экан.**

Техас (АҚШ) штатидаги университетнинг зилзилалар пайдо бўлиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганаётган бир гуруҳ тадқиқотчилари ҳеч ким кутмаган шундай хулосага келишди: ҳозиргача кутилмаганда рўй берган ер силкинишларининг маълум қисми ер остки қатламларида юзага келадиган ҳаракатлар оқибатида эмас, балки жуда кичик (буғдой дони ҳажмидаги) фазовий жисм – метеоритларнинг Ерга келиб урилишидан ҳосил бўларкан.

Ҳажман ниҳоятда кичик бўлишига қарамай, бу метеоритларнинг ҳажми бир неча тоннани ташкил этаркан (уларнинг зичлиги қўрғошиннинг зичлигидан ўн триллион марта ортиқ). Фазодаги учиш тезлиги эса, кўз илғамайдиган даражада шиддатлики, бундай само «ўқлар»и Ерни тешиб ўтиб кетиш қобилиятига эга, дейишади олимлар.

Бундай кутилмаган хулосага келишда мутахассислар 1993 йили содир бўлган икки ҳодисани далил қилиб келтиришади. Ўшанда тариқдан сал каттароқ метеорит Антарктида қаърига кириб (буни сейсмик асбоблар қайд этган), йигирма олти секунддан сўнг Ҳинд океани ҳудудидан тешиб чиқиб кетган. Бошқа бир митти метеорит эса ўн тўққиз секунд ичида Тинч океанидан Атлантика океанигача бўлган масофани босиб ўтган.

Маълум бўлишича, «митти ракета»лар коинот қаърида юз берадиган улкан портлашлар туфайли пайдо бўларкан.

Тўғри, олимларнинг бу ғаройиб ҳодисани кашф этганларига тасанно айтса арзийди. Бироқ олимлар бундай мўъжаз офатлар қачон ва қаерни нишонга олишини аниқ айта олишмаётир.

## ЧОЛЛАР АСРИ ЯҚИНМИ?

**Ҳисоб-китобларга қараганда, кейинги юз йил давомида Ер юзи аҳолиси олти миллиарддан ўн-ўн икки миллиардгача кўпаяр экан. Шундан кейин аҳоли сонининг ўсиши тўхтаркан.**

Профессор С.П.Капицанинг фикрига кўра, бу вақтга келиб Ер юзи аҳолисининг қариш жараёни бошланади. Бу жараён яна юз, юз эллик йилдан кейин анча кўзга ташланадиган ҳолатда намоён бўларкан. Мана, ўзингиз таққосланг: 1950 йили 80 ёшдан ошган кексалар 1 фоизни, 65 ёшдан ошганлар 8 фоизни, 14 ёшгача бўлган болалар эса 35 фоизни ташкил этган. 2150 йилга келиб эса, болалар сони кескин камайиб кетади, кекса ёшдагилар эса аҳолининг қирқ фоизини ташкил этади. Бундай демографик кўрсаткич тараққий этган мамлакатларга ҳам, ривожланаётган давлатларга ҳам бирдай тааллуқли бўлади.

Олимларнинг кузатишларига қараганда, инсоният ҳозир тараққиётнинг мутлақо янги босқичига кириб бормоқда. Инсон Ер юзида пайдо бўлган даврдан бери унинг сони муттасил ўсиб борган. Энди эса бу жараён яқин юз йилларда тўхтайди. Бу эса инсон ҳаёти омилларига таъсир этмай қолмайди. Шунингдек, бу таъсир маданиятда ҳам, авлодлар ўртасидаги муносабатларда ҳам сезилади. Ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодиёт структураси ўзгаради.

Бироқ бу жараён тараққиётни тўхтатиб қололмайди, дейди С.П.Капица, балки ривожланишнинг янгича, бошқа шакллари излаб топилади. Айни пайтда олимлар бу изланишлар сифат ўзгариши томон йўналишини таъкидлашмоқда, демак, инсоният сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатдан ўзгаришга юз буради.

## ЭНДИ ЁМҒИР ПИСАНДМАС

**Норвегиялик ишбилармон йўловчилар учун яна бир қулайлик яратишди ва бу янгилик Европа мамлакатлари пойтахтларида жуда қисқа муддатда оммалашиб кетди.**

«Верденс ганг» газетасининг ёзишича, бергенлик фуқаро Эйнард Хавеленд ёмғирдан кўп азият чеккан экан. Ҳар гал кўчага юмуш билан чиққан Хавеленд шамсиясини ёддан чиқариб, жиққа ҳўл бўлар, бу ерларнинг серёмғирлиги унинг ташвишига ташвиш қўшарди. Охир-оқибат Хавеленд бу ноқулайликнинг чорасини топди: у шамсия сотадиган автомат қурилма яратди. Бу автомат қурилмалар ҳозир Европа мамлакатлари йирик шаҳарларида кенг ишлатилмоқда.

Дастлаб бу қурилманинг еттитаси Берген шаҳри кўчаларига ўрнатилганда кўпчилик Хавеленд ихтиросига шубҳа билан қараган эди. Бироқ саноқли кунлардаёқ автомат қурилмадан олти минг дона шамсия харид қилинди. Айни пайтда Лондон, Амстердам ва Копенгаген каби шаҳарларнинг фуқаролари бу қулайликдан ғоятда миннатдор.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Аҳмад Алиевга умр йўлдоши

**МУНИРА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, профессор, фалсафа фанлари доктори Маҳмуджон Нурматовга ўғли

**ЖАВЛОНБЕКнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Чилонзор туман маданият ишлари бўлими Маннон Уйғур номидаги Санъат институти профессори

**Омон АБДУРАЗЗОҚОВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 470. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.